

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

Бекободга
КАТТА
ФУТБОЛ
қайтди

▼ Вилюят спорти



Ёдингизда бўлса, футбол бўйича 2024 йилги Ўзбекистон чемпионати якунида ўзбек футболда ўз ўрнига эга бўлган Бекободнинг "Металлург" клуби фаолияти тўхтатилган эди. Орадан бир йил ўтиб, бекободлик футбол мухлислари учун қувончли хабар келди: "Металлург" клуби қайта ташкил қилинди.

2



▼ Халқаро ҳамкорлик

ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР —
ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Глобллашув тобора чуқурлашаётган ҳозирги даврда барқарор иқтисодий ўсиш, аввало, давлатнинг инвестиция сиёсати, ташқи дунёга очиқлиги ва стратегик ҳамкорлар билан ўрнатилган ишончли муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган очиқ, прагматик ва инвесторлар манфаатларига йўналтирилган ислохотлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқда. Ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланиб, ишбилармонлик муҳити яхшиланаётгани, халқаро ҳамкорлик географияси кенгаяётгани инвестиция оқимининг барқарор ўсишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоиз, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида республикада инвестициявий муҳит тубдан янгиланди. Хорижий сармоялар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, дўстона ва стратегик ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларнинг мустаҳкамланиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Бу жараёнда Хитой Халқ Республикаси билан ўрнатилган кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2

Viloyat
bo'ylab

O'simliklar karantini va himoyasi agentligi viloyat boshqarmasida xodimlar va inspektorlar uchun korruptsiyaga qarshi kurashish mavzusida huquqiy-profilaktik suhbat o'tkazildi. Tadbirida milliy qonunchilik, ichki idoraviy hujjatlar hamda manfaatlar to'qnashuvi masalalari tushuntirildi. Eksport-import jarayonlarida shaffoflikni ta'minlash muhimligi ta'kidlandi.

ZANGIOTA tumanidagi harbiy qismda "Ma'rifat" targ'ibotchilari jamiyati vakillari, ziyolilar, yoshlar hamda harbiy xizmatchilar ishtirokida ma'naviy-ma'rifiy uchrashuv bo'lib o'tdi. Tadbirida harbiy xizmatchilar va yoshlar ongida vatanparvarlik tuyg'ularini mustahkamlash, mamlakatimiz mudofaa salohiyatini oshirish, harbiy xavfsizlikni ta'minlashga qaratilgan islohotlar hamda yoshlar uchun yaratilayotgan imkoniyatlarning ahamiyatiga alohida e'tibor qaratildi.

YUQORI CHIRCHIQ tumanida yoshlar muammolarini o'rganish, takliflarini qo'llab-quvvatlash va tashabbuslarini ro'yobga chiqarish maqsadida viloyatdagi mutasaddilar ishtirokida rahbar va yoshlar uchrashuvi bo'lib o'tdi. Tadbir doirasida yoshlar o'z fikr-mulohazalari, taklif va murojaatlarini bevosita viloyat mas'ullariga yetkazish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Shuningdek, ishsiz yoshlar uchun mehnat yarmarkasi o'tkazildi.

QIBRAY tumani O'zLiDEP Kengashi mas'ullari va tuman deputati B.Sobirov tumanning "Bunyodkor" mahallasida faoliyat yuritib kelayotgan tadbirkor ayollar bilan uchrashuv o'tkazdilar. Uchrashuvda xotin-qizlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash, ularning faoliyati davomida uchrayotgan muammolarni o'rganish hamda mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanish masalalari muhokama qilindi. Tadbirkor ayollarning taklif va tashabbuslari tinglanib, tegishli tavsiyalar berildi.

Кўхна
тарих
шодаси

3

Эш истеъдодлар маскани

▼ Санъат

Бугунги кунда юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, маънавий бой ва ватанпарвар этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув хоналари, мусиқа асбоблари ҳамда таълим учун зарур шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинаётган қарор ва дастурлар ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги 25-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ислохотлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйган таълим муассасаларидан бири. Мактаб 1969 йилда ташкил этилган бўлиб, 150

ўринга мўлжалланган эди. 2012 йилда замонавий талабларга мос ҳолда янгидан қурилган мактабда бугунги кунда 415 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Таълим-тарбия жараёнига 35 нафар малакали ва тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган бўлиб, улар 13 та йўналиш бўйича ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. Мактабда таълим жараёни икки сменада олиб борилиб, ўқиш муддати 5–7 йилни ташкил этади.

4



Бекободга КАТТА ФУТБОЛ қайтди

Мазкур тантанали тадбирда “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси Баҳодир Абдуллаев, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Равшан Эрматов, футбол фахрийлари, клуб масъулари, мураббийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Дастлаб сўзга чиққан “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси Б.Абдуллаев мазкур жамоанинг тарихи ва мамлакат футболдаги ўрни, қайта ташкил этилишининг стратегик аҳамияти ҳақида айтиб ўтди. Хусусан, “Металлург”нинг нафақат шаҳар, балки бутун Ўзбекистон спортда ўрни катта экани таъкидланди. Шу туфайли комбинат ишчилари ва ҳудуд аҳолиси ўртасида сўровномалар ўтказилиб, мазкур футбол клуби фаолиятини қайта ташкил этиш борасида ижобий фикрлар олингани айtilди.

— Ушбу ташаббус орқали биз нафақат бир футбол жамоасини, балки шаҳримизнинг ғурури, умиди ва ғалабага бўлган ишончини қайта тиклашни мақсад қилганимиз, — дейди Баҳодир Абдуллаев. — Давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида спорт, айниқса ёшларни спортга кенг жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Айнан шу мақсадларни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамияти ташаббуси билан “Металлург” профессионал футбол клуби фаолиятини қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилинди. Юртимизда Бекобод каби футбол анъаналарига эга шаҳар борлигидан барчамиз фахрланамиз. Қўллаб-қувватлаш — биздан, ғалабалар эса “Металлург” жамоасидан бўлади.

Тадбирда, шунингдек, клубнинг янги бош директори этиб Улуғбек Мирзаев, бош мураббий лавозимига эса Илҳом Мўминжонов тайинлангани эълон қилинди. Илҳом Мўминжонов жамоа таркиби ва футболчиларни ривожлантириш бўйича ўз мақсад ва вазифаларини баён қилди. Унинг бошқарувида жамоа бошланжақ мавсум Про-лигада юқори даражада иштирок этиши

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ва барқарор натижаларга эришиши режалаштирилгани қайд этилди. Янги мураббий ёш футболчиларни тарбиялаш ва профессионал муҳитни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

— Қайта ташкил этилган “Металлург” клуби ўзбек футболига янги номларни кашф этиб бериши кўзда тутилган, — деди “Металлург” футбол клуби бош мураббийси Илҳом Мўминжонов. — Шу билан бирга, жамоа таркибиде стратегик ривожланиш, легионер футболчилар билан ишлаш ва спорт инфратузилмасини янада кучайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Маълумот учун, “Металлург” футбол клуби 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон футболда кўп йиллик тарих ва тажрибани мужассам этган профессионал жамоа ҳисобланади. Клуб йиллар давомида Биринчи лига ва Суперлига мусобақаларида иштирок этиб, Бекобод шахрининг спорт маданиятида муҳим ўрин эгаллаган. Ўтган даврда “Металлург” нафақат ўз мухлислари орасида, балки бутун мамлакат футбол жамоатчилиги орасида ҳурмат қозонди ва кўплаб ёш футболчиларни етиштиришга ҳисса қўшди. Сўнгги йилларда юзага келган ташкилий ва молиявий ҳолатлар туфайли клуб фаолияти вақтинча тўхтатилди. Шу билан бирга, “Металлург” номи, унинг тарихи ва анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмади ҳамда жамоани қайта тиклаш зарурати жиддий мавзу сифатида сақланиб қолди.

Тадбирда “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси Б. Абдуллаев ва комбинатнинг фахрийлар кенгаши раҳбари А. Фармоновга махсус футболка топширилди. Шундан сўнг рамзий равишда “Металлург” футбол клуби фаолияти расман бошлангани эълон қилинди.

Яқунда оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ташкил этилди ва келгусидаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Аслиддин АЛИЖОНОВ
олган суратлар

Бугун Ўзбекистон—Хитой муносабатлари савдо-иқтисодий, инвестициявий, саноат ва инновацион йўналишларда изчил ривожланмоқда. Айниқса, бу ҳамкорлик Тошкент вилояти мисолида аниқ иқтисодий натижалар билан намоён бўлмоқда. Вилоят ҳудудида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари, саноат зоналарининг барпо этилиши, замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳудуд иқтисодиётини тубдан янгилаб, янги ўсиш нуқталарини шакллантирмоқда.

Шу боисдан ҳам, Тошкент вилоятида Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари нафақат бугунги кун манфаатларига, балки мамлакатнинг узоқ мuddатли тараққиёт мақсадларига хизмат қилмоқда. Ўзаро манфаатли муносабатлар самараси ўлароқ, 2025 йилда виллоят ҳудудида Хитой иштирокида амалга оширилаётган хорижий инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Жумладан, Шарқ мамлакатли сармоялари 1,6 миллиард АҚШ долларига етиб, жами инвестицияларнинг 69,5 фоизини ташкил этди. Мазкур кўрсаткич сўнгги беш йил ичида қарийб беш баробарга ўсгани билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда Тошкент вилоятида Хитой сармояси иштирокида 1 минг 300 тадан ортиқ корхона саноат, энергетика, қурилиш, логистика ва қайта ишлаш соҳаларида иш олиб бориб, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Виллоятда “Hollas Industrial Estate”, “China State Construction Engineering Corporation” ҳамда “Extol Global Capital Pte. Ltd” каби етакчи инвесторлар иштирокида умумий қиймати 2,1 миллиард доллар бўлган учта йирик махсус саноат зонаси ташкил этилди.

Мазкур зоналарда 2-7 қаватли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

▼ Давра суҳбати Янги Ўзбекистон қиёфаси маҳалладан бошланади

Нурафшон шахрида “Мурожаатнома — маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази виллоят ҳудудий бўлинимаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Маҳаллалар уюмаси вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъуллари, сиёсий партиялар аъзолари, депутатлар ҳамда ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Президентиимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган

вазифалар, жумладан, маҳаллаларни ривожлантиришнинг янги, комплекс тизимини ҳаётга татбиқ этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Мурожаатномада республикадаги танлаб олинган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги ишларни комплекс ташкил қилиш, яъни уларда бир вақтнинг ўзида ижтимоий соҳа объектлари, йўллар қуриш ва таъмирлаш, тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлан-

ишлаб чиқариш бинолари барпо этилиши, шу билан бирга ҳодимлар ва аҳоли учун ижтимоий инфратузилмалар, хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда арзон кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Лойиҳалар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг 3 мингта янги иш ўрни яратилиши,

минлаш ва энергия таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ортада қолган 2025 йилда виллоятдаги 65 та маҳаллий корхона томонидан 526 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Айниқса, бунда саноат маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллаганини алоҳида қайд этиш лозим. Ху-

Экспорт таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам салмоқли ўринга эга. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 50,5 миллион долларга етган бўлса, электротехника маҳсулотлари экспорти 31,6 миллион долларни ташкил этди. Шунингдек, қурилиш материаллари экспорти 8,5 миллион доллар-

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



йилига 1,8 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва 43 миллион долларлик экспорт амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, давлат бюджетига ҳар йили 250 миллиард сўм қўшимча солиқ тушумлари таъминланади.

Шу билан бирга, Хитойнинг “China CAMC Engineering” компанияси томонидан Оҳангарон тумани Янги Ҳаёт маҳалласида 240 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида “қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” лойиҳаси жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Лойиҳа ишга туширилгандан сўнг йилига 912 минг тонна, яъни кунига 2,5 минг тонна чиқиндилар қайта ишланиб, 390 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса экологик барқарорликни таъ-

сусан, Чирчиқ шахридаги “Sharq Tubes” МЧЖ ҚҚ томонидан Хитойнинг “China Ordins Group Co., LTD” компаниясига 16 миллион долларлик мис катод маҳсулотлари экспорт қилинди. Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган “Agro City” МЧЖ томонидан эса 11 миллион долларлик тозаланган мош маҳсулотлари хорижий бозорларга етказиб берилди.

Виллоят экспорт салоҳияти изчил мустаҳкамланиб, маҳсулотлар таркибида саноат ва қайта ишлаш соҳалари етакчи ўринни эгаллади. Экспорт ҳажмининг асосий қисмини рангли металлургия маҳсулотлари ташкил этиб, ушбу йўналиш бўйича 420,2 миллион долларлик маҳсулот ташки бозорларга чиқарилди. Бу ҳолат металлургия саноатининг жадал ривожланаётганини ва маҳсулотларга халқро бозорда талаб юқори эканини кўрсатади.

▼ Имконият Дуал таълим ва мебелсозлик

Тошкент виллоятда мебелсозлик соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда дуал таълим тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ишлар изчил давом этмоқда.



Бунда Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳамда Зангиота туманида фаолият юритаётган “Кен Макон” мебелсозлик фабрикаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми муҳим аҳамият касб этмоқда.


Ҳамкорлик доирасида мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантириш, мазкур соҳалар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда дуал таълим тизимини амалий жиҳатдан кучайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор А. Абдурахмоновнинг таъкидлашича, ушбу ташаббусдан қўзланган асосий мақсад мебель ва ёғочсозлик тармоқларини олий таълим тизимига интеграция қилиш, иқтидорли талабаларни амалиётга жалб этиш, уларни кейинчалик иш билан таъминлаш ҳамда соҳада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйишдан иборат.

Куни кеча ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқариш корхонаси ва университет ўртасидаги ҳамкорликнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди. Хусусан, дуал таълим йўналиши бўйича талабаларнинг қўл меҳнати асосида бажарган ишлари мутахассислар томонидан баҳоланди. Шунингдек, дизайн йўналишида замонавий ёчимлардан янада кенг фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди. Энг яхши ишланма муаллифлари муносиб тақдирланди.

Эътиборли жиҳати, мазкур ҳамкорлик талабаларга ўқиш жараёнидан ажралмаган ҳолда мебелсозлик дизайни ва ишлаб чиқариш йўналишида профессионал кўникма ҳамда маҳоратларини оширишга катта туртки бўлмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири



Экологик хавфсизлик — стратегик вазифа

Олмалик кон-металлургия комбинати фаолиятида экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда комбинатда нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга ошириш, балки технокунда жараёни тўхтатмаган ҳолда соҳани тўлиқ модернизация қилиш орқали табиатга салбий таъсирни минималлаштириш устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

▼ Жараён

Бу борадаги ислохотларнинг ёрқин намунасини Рух заводи мисолида кўриш мумкин. Хусусан, заводнинг Вельцплаш цехида амалга оширилаётган кенг қўламли модернизация ишлари доирасида эски ускуналар тўлиқ замонавий, энергия тежамкор ва юқори самарали пресс-фильтрлар билан алмаштирилмоқда. Ҳозирга қадар 4 та замонавий пресс-фильтрлар ўрнатилиб, иш жараёнига тўлиқ жорий этилди, 2 та янги қурилмани ўрнатиш ишлари яқиний босқичда.

Цехдаги ушбу янги ускуналар 2025 йил давомида Танлаб эритиш цехини юқори сифатли тоза рух филтратини билан

узлуксиз таъминлади. Бу эса рух металл ва қурилган рух бўтанаси ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичларининг ошириб бажарилишига хизмат қилди. Шунингдек, жараёнга янги пресс-фильтрларнинг қўлланилиши атмосферага чанг чиқиндилари чиқишини тўлиқ тўхтатди. Бу нафақат ҳаво тозаллигини таъминлайди, балки чанг билан бирга рухнинг йўқотилишига ҳам чек қўйди. Шунингдек, табиий газнинг ишлатилиши ҳам буткул тугатилиб, CO₂ (углерод диоксид) атмосферага ташланиши тўхтатилди.

Янги технологиялар хом ашёни чуқурроқ қайта ишлаш, намликни ка-

майитириш (16-20% гача) ва фойдали компонентларни максимал даражада ажратиб олиш имконини бермоқда. Энг муҳимини, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган зарарли ташлама газлар ва чанг чиқиндиларининг тўлиқ барта- раф этилиши ҳудуднинг экологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, янги ускуналар автоматлаштирилган ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Эски ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатларининг қисқариши ҳисобига йилга 570 миллион сўмдан зиёд маблағ иқтисод қилинмоқда.

Маълумот учун заводда айни пайтда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тонна бўлган янги 6-сульфат кислотаси цехини ҳам қуриш ишлари жадал кетмоқда. Ушбу цехнинг ишга туширилиши натижа- сида цехдан атмосферага чиқариладиган ташламаларга тўлиқ барҳам берилади. Хулоса қилиб айтганда, Рух заводида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа ОКМКнинг 2026 йилдаги стратегик ривожланиш режасининг узвий қисмидир. Бу нафақат ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқиш, балки келажак авлод учун табиатни асраш йўлидаги муҳим қадамдир.

ОКМК Ахборот хизмати

Ассалому алайкум, ҳурматли Зойир Тоирович!

Куни кеча Тошкент вилоятидаги ҳудудий газеталар бош муҳаррирлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлинулмалари раҳбарлари Ўзбекистон Ислон цивилизацияси марказида бўлдиқ. Бунинг учун аини таклиф ва ташаббус муаллифи бўлган Сиздан беҳад миннатдорман.

Дунёда андозаси бўлмаган бундай марказ азиям пойтахтимизнинг кўрғига кўрк бўлиб турибди, ўз навбатида Ватанимиз тарихини ўзида ифода этиш баробарида шонли ўтмишимизнинг бир бўлагига ҳам айланиб улгурмоқда. Мана шундай тарихий жараёнларнинг иштирокчиси бўлаётганимиз бизга гурур билан бирга масъулият ҳам юклайди, албатта.

Шу куни, Усмон Азим ёзмақчи, тонгда дезазани очиб қарасак, ташқарини қор қоплаган

лиқ ҳудудларида Илоқ давлати, унинг пойтахти сифатида Нукет – ҳозирги Нурафшон шаҳри гуллаб-яшнаган, савдо-сотик, иқтисодиёт ва маданий ҳаёт ривожланган. Нурафшон шаҳридаги Улкан Тўйтепа археологик ёдгорлигидан топишган ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган осуарий ҳам буни тасдиқлайди. Олмалиқлик ҳурматли олимимиз Абдурашид Ҳасанов томонидан тайёрланган экспонатларда эса бундан минг-минг йиллар муқаддам Ўзбекистонда, айнан Тошкент вилоятида тоғ-кон саноати жуда яхши ривожланганини кўриш мумкин. Ибтидоий жамоалар даврида баъзи ўлкаларда одамлар қайроқтош ёрдамида олов ёқиб, ҳайвон терисини ошлаб-ошламай унга ўраниб юрган бир вақтда бизнинг зукко аждодларимиз ўз дастгоҳларида оловни ўй-

Очиқ хат

да “Тиб қонунлари” ҳақида лом-мим дейилмаган. Табиатан курашувчан, мард ва зукко бўлган ибн Сино ожиз одам сифатида гавдалантирилган. Ҳатто, ҳақимнинг вафотини ҳам сох-талаштиришган. Бу нафақат тарихга таҳдид, ибн Сино шахсига ҳурматсизлик ҳамдир!

Агар ушбу фильмга таянсақ ва ишонсақ, XI асрда яшаган алломамиз Абу Али ибн Синога XIX асрда яшаган Роб Коул шогирд тушибди. Тарихга хиёнат эмасми бу фильм?!

Қолаверса, ибн Сино Исфаҳонда вафот этмаган-ку. Шайх ур-раис ўз жониға қасд қилиб, худкуш ҳам бўлмаган! Хасталик оқибатида сафар чоғи қазо қилади ва Ҳамадонга дафн қилинади.

Тўғри, режиссёр Филипп Штёльцль фильмда сценарий иши, режиссёр иши, операторлик иши, актёрлар маҳорати – ҳаммаси

сида Ўзбекистонда ислон тамаддунига оид бой илмий ва маънавий меросни тиклашга қаратилган муҳим лойиҳалар амалга ошири-лаётганидан ҳам воқиф бўлдиқ. Ана шундай лойиҳалардан бирида жаҳон ислон санъати тарихида беназир намуна сифатида тан



Кўхна тарих шодаси

Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаевга мактуб

экан. Кўкдан қор эмас, оппоқ ният ва покиза тилаклар ёғилаётгандек эди, гўё. Ҳақроств, ўзининг кўйфасини сония сайин ўзгартириб турган ҳозирги дунёмизга тоза ният ва пок тилак сув ва ҳаводек зарур.

Қиш ўз зийнати билан атрофни покликка буркаб турган мана шундай жўшқин паллада биз, вилоятимиз маънавиятчиларининг вакиллари Ислон цивилизацияси марказига кириб бордик.

Ислон цивилизацияси маркази, дарҳақиқат, муҳташам илмий-тарихий мажмуа бўлибди. Аслини олганда, кўхна тарихимиз шунга муносиб ҳам.

Ислон цивилизацияси марказининг экспонатлар бўлими тўрт қисмдан иборат экан. Уларда ўлкамиздаги антик давр, Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш давлари ҳамда Янги Ўзбекистонга барпо этиш жараёнлари ўз ифодасини тошганга гувоҳ бўлдиқ.

Юртимиз тамаддунлар, улуг шахслар ва буюқ кашфиётлар юрти эканлигини дарслик ва тарихий-бадий кўтларда ўқиганмиз. Бироқ бу улуглиқни кўз олдимизда гавдалантириш учун тасаввуримиз, тан олайлик, бир қадар ожизлик қилиб қоларди.

Бир мисол. Мўғуллар истилосига қадар ҳозирги Нурафшон, Оҳангарон ва Олма-

натиб, ер ости қазилмаларига ишлов берган ва бу орқали кончилиқ саноати ва уни қайта ишлаш технологияларини яратган.

Албатта, фахрланади, фахрланиш орқали қувонади киши.

Ҳурматли ҳоқим!

Ўзбекистон – тамаддунлар туташган тарихий нуқта. Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш даври ва бу давларда яратилган кашфиётлар ҳақида ортиқча сўзининг ўзи ортиқча. Бироқ, менинг юратимда бир алам кўксимни тирнар эди.

Гап шундаки, 2013 йилда Германия кино-ижодкорлари тасвирга олган “Табиб: ибн Сино шогирди” фильмининг яқинда томоша қилдим. Бу фильмда бухгалтерлик қомусий аллома ва улуг ҳақим Абу Али ибн Сино ҳаётининг сўнгги йиллари бадийий тасвирга олинади. Аммо, шу орқали Марказий Осиё тарихига таҳдид қилинади, фактлар нотўғри кўрсатилади, салжуқийлар босқинчи сифатида намойиш этилади ва ўтиб тушгани, ибн Синони худкуш сифатида кўрсатишади. Алам қиладигани эса ибн Синони тиббиётдаги муваффақиятлари сари германиялик ана ўша шогирди Роб Коул рухлантирган экан. Википедияда Роб Коул XIX асрда яшаганини кўр ҳам ўқий олади! Устига-устак, бу фильм-

чаккимас. Аммо тарихий ҳақиқат-чи? Ман-тиқ-чи? Очиги, ҳафсалам пир бўлди. “Ўртоқ “Ўзбекфильм”, ҳалқинг кутар сўз”, дея ҳалқчил шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг сатрларини такрорладим.

Алломаларимиз тўғрисида миллий бадийий асарларимиз, киноларимиз, илмий тадқиқотларимиз фақат ўзимиз ё чора-тадбирларда белгилангани учун эмас, виждонан яратилиши керак. Бу асарлар жаҳон ҳамжамияти савияси ва даражасида бўлмас экан, ўзимизнинг тарихимиз тўғрисида улар тўқиган чўчакларни эшитиб ўтиришга мажбур бўлиб қоламиз. Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан Кинематография агентлигига берилмаётган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар беиз ва бежиз кетмаслигига умид қилиб қоламиз. Зеро, Ислон цивилизацияси маркази кўхна тарихимизни шода-шо-да маржон каби бизнинг кўз олдимизга яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни бурчим, деб ҳисоблайман. Зойир Тоирович, бу марказдаги деярли барча экспонатлар ҳақиқий. Дунёнинг турли нуқталарига тарқалиб кетган ноёб дурдоналар ҳам Ватанимизга қайтарилмоқда.


Бу муаззам маскан билан танишиш асно-

Назорат

ТАШҚАРИДА – ҚОР, ЧЎНТАҚДА... “БАҲОР”

Табиий газ – миллионлаб хонадонлар ҳаётини иссиқлик билан таъминлаётган, давлат иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи бебаҳо неъмат. Айниқса, бугунги қаҳратон қиш кунларида, ҳар бир хонадонда иссиқликка эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда унинг қадри янада ошади. Аммо айримлар учун у ҳануз “эгасиз бойлик” сифатида кўринаётгандек. Тошкент вилоятида аниқланган сўнгги қонунбузарликлар шундай ҳулосага келишимизга сабаб бўлмоқда.

“Худудга таъминот” АЖ топширигига асосан республика бўйлаб газдан ҳисоб билан эмас, ҳисобсиз, шартнома билан эмас, шартсиз, қонун билан эмас, ўзбошимчалик билан фойдаланиб келатганларга қарши назорат тадбирлари ўтказилди.



анча “баракали” – 1 миллиард 603 миллион сўмни ташкил этибди!

Ўрта Чирчиқ тумани “Янги турмуш” маҳалласида жойлашган оилавий қорхона ҳам бу масалада

улардан ортда қолмади. Зиравор ишлаб чиқариш цехи ҳеч қандай хат-хужжатсиз табиий газ тармоғига уланиб олгани маълум бўлди. Натижа ёмонмас – давлатга “бор-йўғи” 1 миллиард 10 миллион сўм зарар келтиришди.

Бу рақамлар шунчаки статистика эмас. Бу – кимнингдир тунда исимаётган уйи, кимнингдир босими пасайган плита олдидаги асаби, кимнингдир авария хавфи остида қолган ҳаёти.

Ўз нафси йўлида “уддабу-ронлик” қилган бу кимсалар ҳисоблагичларни тўхташиб қўйиш билан бирга бировнинг ҳақиға, тизим барқарорлигига, жамоат ҳавфсизлигига ҳам хиёнат қилаётганликларини билишармикан?

Аниқланган барча ҳолатлар юзасидан далолатномалар тузилиб, материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Рейдлар давом этади. Чунки қиш узок, газ эса ҳамма учун тенг бўлиши керак.

Зангори ёқилғига эҳтиёж қишда ортади. Аммо қонунга бўлган ҳурмат мавсумий бўлмаслиги шарт.

Меҳридин ИБРАГИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Мутолаа



Тўрт сатрда табиатнинг тўрт унсурини, шунингдек, оламнинг тўрт томони зухур этган тўртлик жанрида ашъор битиш – шоирдан катта ҳаётий тажриба, донишмандлик, илму истеъдод ҳамда маҳорат талаб этади.

Лаҳзалар чорраҳаси

Ўзбек адабиётида Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Пахлавон Маҳмуд, Муҳаммад Иқбол, Игор Губерманлар яратган табарруқ аъёналардан илҳомланган ҳолда “бирор ҳаётий воқеалиқ ҳақидаги таассурот ва ҳулосаларини тўрт сатрда лунда, шoirона” ифодалаб бераётган бармоқ билан санарли ижодкорлар қаторида Мустафо Жўраевнинг ҳам ўз ўрни бор.

Мустафо Жўраев Тожикистоннинг Ўратепа (ҳозирги Истаравшан) туманидаги Нафороқ қишлоғида туғилган. Айни пайтда Сирдарё вилоятининг Янгиер туманида истиқомат қилади. Тиббиёт фанлари номзоди. Кўп йиллар давомида Сирдарё вилояти солиқлиқ сақлаш тизимидagi шифохоналарда раҳбарлик лавозимида ишлаган.

Ажабланирлики шундаки, тўртликларини илк тўпламидир. Рауф Парфи таъбири билан айтганда “Теварақни ҳайрон қолдириб, теварақка ҳайрон боқад”гани бу дўстимизнинг шахсияти ақл бовар қилмас даражада ноёблиги, каттарлиги, “қўздан йироқ, кўнгилга яқин”лиги, ҳақгўйлиги, адабий хилватнишинлиги билан мени ҳаммиса ҳайратга солган. Соатлаб суҳбатлашган онимиздаги унинг Сўзга ҳурмати, меҳру оқибатга ақрабалигини, маслақда барқарорлигини яқиндан ҳис этиш баробарида, аксарият ҳолларда, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, ҳушомадгўйликни касб қилиб олган айрим ночор қалам-кашлар орасида салафларнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужас-самлаштирган, мазорбости қайғу-қувончларини кўнгил аҳли билан баҳам

қўришга қодир шахсларнинг борлигидан таскин ҳам тошганман. Ҳайратимнинг сабабларидан яна бири – у минбарларда “довудий” овоз билан бўкириб шеър ўқиймади, адабий давраларга понадаи суқилиб кирмади, ҳолбуки, сара сўзларни қабул қиладиган қалби билан бирга не-не қалблар қабул қиладиган сара сўзларини ҳам бор... У пинҳонлик макомини афзал билди. Аммо “ғилоф ичидаги ёғоч тиг мисоли вужуд ичра беъмани жондай” (Ж.Румий) эмас, балки пўсту пўчоқ ичидаги мағиздай пинҳон эди, ҳолбуки, мағзи тўқ эди, панада бўлса-да, фақир эмасди.

Мустафо Жўраев тўртликларида мувозанатдаги ақлу кўнгил, шаклу мазмун баҳсу талошини кузатиш мумкин. Ақл оламни моддий қонунлар, чекловлар ва зоҳирий ўлчовлар орқали кўради. Кўнгилнинг эса, йўриғи бошқа: У белгиланган моддий қонунлардан, ақл худудидан чандон юксалиқда қарор топади, маҳдуд хилқатдан маънавий оламга, зоҳирдан ботинга, шаклдан мазмунга, чекловдан чексизликка интилади... Шoirнинг шаклида санъаткорлик, мазмунида ҳаётйлик балқиб турган,

тазод услуби асосига қурилган фикру мушоҳадалари сизни беихтиёр лаҳзалар чорраҳасига етаклайди.

Инсоннинг ёши улғайган сайин ақли тўлишиб, мустақийм йўлдан равон бўлиши лозимлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Аммо “тананинг камондек эгик фаслида тафаккурнинг ўқдек тўғри бўлиши муҳим”лигини заргарона образлар орқали ифода эта олган шоир маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ:

*Муҳимдир ҳидинге хуш бўйға тўлиши,
Очланг чоғида – гулнинг сўлиши.
Тананинг камондек эгик фаслида
Тафаккуринге ўқдек тўғри бўлиши.*

Мазкур тўртликдаги маъно Қуръони Каримнинг: Худ сураси, 112-оятига (“Бас, сен ва сен билан тавба қилганлар мустақийм туринглр...”) ишораси, шунингдек, Мавлоно Румийнинг: “Ёй ўқидай тўғри бўл ва олға интилгин, чунки ёйдан тўғри ўқларгина халос бўлади”, мазмунидаги фикрига ҳамоханлиги билан ҳам қадрлидир.

*Агар турар бўлса тумшук осмонда,
Тортилиш қонуни бузилган бўлар.*

***	***	***
<i>Кокилларинге учи – сўроқ шаклида, Холинг – оқ баданга қуроқ шаклида. Менинге ишқим – ҳали пишмаган арпа, Сенинге қошинг эса – ўроқ шаклида.</i>	<i>Вазирлар тик турар шоҳ шарафига, Холеш – ўн тўрт кунлик моҳ шарафига. Қад бужмай туради ҳақиқий мардлар Номардлар қазиган чоҳ шарафига.</i>	<i>Минг тикан гулдан бол яралади, Сарвақаддан қадди дол яралади. Базан ор қилишга лойиқ умрдан, Мақтанишга мобил чол яралади.</i>
***	***	***
<i>Сирдарёдан не буюқлар кечиб ўтган, Балиғин ёб, соф сувидаң ичиб ўтган. Ҳатто душман ундан кечиб ўтса ҳамки, Ҳурматига этилиши ечиб ўтган.</i>	<i>Соғ экан, нўноқ ҳам моҳирлик қилар, Кўнел ҳар Зўхроға Тоҳирлик қилар. Агар хаста бўлсанг, ўлкангга ҳаво, Йиғангга соқол оғирлик қилар.</i>	<i>Сен томонга қанча дўсту қардошлар, Тириклик пайтанда отади тошлар. Уларнинг кўп иллик хизмат ҳаққидир, Ўлганидан кейин берилган ошлар.</i>
		Мустафо ЖўРАЕВ

ги музей ва галереялардаги мусхаф шулар жумласидан. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Лондондаги нуфузли “Sotheby’s” савдо уйи томонидан ўтказилган аукционда ушбу ноёб Қуръон қўлёзмасининг бир қисми сотиб олинди ва у Ўзбекистонга олиб келинди. Ҳозирги кунда юртимиздаги Ислон цивилизацияси марказида сақланмоқда.

Шунингдек, Ислон цивилизацияси марказида ХХI асрдаги Ватанимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида бўлим ҳам мавжуд ва бу ерда Янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш жараёнлари ўз аксини тошган.

Қадри Зойир Тоирович!

Ушбу марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилган. Уларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюқ мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир мамлакатда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма кўтлар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топиломалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар жамланган.

Илк марта расмий манбаларда 2017 йилнинг 1 сентябрь куни Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасига туташ ҳудудда Ислон цивилизацияси маркази барпо этилиши тўғрисида хабарлар тарқалган эди. Орадан ўн йилга яқин вақт ўтиб, режалар, лойиҳалар кўз олдимизда қад ростлаб турибди. Бу марказнинг қурилиш жараёнлари ҳақида шу ерда қурувчи, юк машинаси ҳайдовчиси сифатида хизмат қилган синфдош биродарларимдан эшитган эдим. Аммо юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал.

Тошкент вилоятидаги туман-шаҳар ҳокимларидан сўнг айнан муҳаррир ва маънавиятчиларнинг келиши Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилгани, юқорида қайд этганимдек, гурур бағишлаш билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Жонажон Ўзбекистонимиздаги Ислон цивилизацияси маркази билан танишиш орқали бу тарихий-илмий маскан Янги Ўзбекистон меъморчилигининг бетакор дурдонаси бўлганлигини эътироф этамиз. Бунга имкон ва шароит яратганингиз учун Сизга ташаккур!

Самимий ҳурмат билан,

Отабек ИСРОИЛОВ,

“Машъал” газетаси бош муҳаррири

2026 йил 22 январь,

Ўрта Чирчиқ тумани.

*Тумшугимиз кўкка чўзилган онда
Оёғимиз ердан узилган бўлар.*

Одам бўйининг ўртача баландлиги қай даражада бўлиши керак? – деган саволга бир донишманд: Оёғи ерга тегиб турадиган даражада, – деб жавоб қайтарган экан. Кўргуликлар ичра энг фожиалиси – муаллақлик. Бу ҳолатда инсон илдизи билан суғурилган ниҳолга ўхшайди. Танаси, шоклари қирқилган дарахт қайтадан жонланиши мумкин. Илдизидан кесилган оғоч эса – ҳалокатга маҳкум... Ғанимлари мажзуб Машрабнинг бошини танасидан жудо қилмай, ўтда куйдирмай, сувга чўктирмай, дорға осганларининг сабаби ҳам – Балх еридан оёғи узилмагунча уни маҳв эта олишларига кўзлари етмаганидан бўлса, ажабмас. Хуллас, ҳар қандай кибру манманлик, яъни оёқнинг ердан узилиши Маҳмуд Қатагоннинг ҳукмисиз ҳам ҳалокатга йўлқиради...

Мустафо Жўраев битикларининг фазилати шундаки, улар ўз тақдирини ўзи белгилайди. Муаллиф ўқувчи ҳукмига ҳавола этган тўртликларининг бошида тасқарадай туриб соқчилик ёки уларнинг савобу гуноҳига шафоатчилик қилмайди. Албатта, мукамаллик иддаосидан йироқ тўртликлар айрим жузъий норасоликлардан, яъни ҳаддан зиёд куюқ фикрлар соясига қолиб кетган сатрлардан, сайқалсизликлардан холи эмас. Шундай бўлса-да, улар ҳар қандай таърифу тавсифга дош бера олиши баробарида ҳолисона танакдага яроқлилиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Хуллас, ушбу тўплам мутолаасига чоғланган ҳар бир ўқувчининг ишқ, ақл, илҳом, дунёвий ва руҳоний ҳислар бирлашадиган “Лаҳзалар чорраҳаси”да юзлашмоқ завку суруридан насибадорлигига, бурқимаган фикрлар алангасининг майин тафти чўзик, ўртамиёна алжирашлардан, худбин хитоблардан қачондир совиган кўнгилнингизни, бироз бўлса-да, илитилишига шубҳам йўқ.

Одил ИКРОМ

Ёш истеъдодлар маскани

Хусусан, ўқувчилар фортепьяно, халқ чолғулари, тасвирий санъат, академик ва анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги ва чолғу ихрочилиги, амалий санъат, театр актёрлиги, хореография ҳамда бахшичилик йўналишларида вилоят ва туман миқёсидаги тадбирларда муносиб иштирок этиб келмоқдалар.

– Дарс жараёнларида ўқувчиларга миллий маданиятимиз ва халқимизнинг азалий қадриятларини англатишга алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди мактаб директори Шарофиддин Аҳмедов. – Ўқувчи-

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)



римиз республика миқёсидаги ҳамда халқаро майдондаги кўрик-танловларда ҳам ютуқларга эришмоқдалар. Жумладан, 2024 йилнинг 9-14 июнь кунлари Сочи шаҳрида бўлиб ўтган "Моя Россия" номли VI халқаро кўрик-танловда мактабимизнинг 11 нафар ўқувчиси иштирок этиб, Гран-при ва 1-ўринни қўлга киритишди. Бу мактабимиздаги таълим сифати ва устозлар меҳнатининг самарасидир.

– Хонандаликчи қизиқшим бопалиқдан бошланган, – дейди мактабнинг анъанавий хонандалик йўналиши ўқувчиси Озодбек Худойбердиев. – Бу йўналишда қуйлаш катта меҳнат, сабр ва мунтазам машқни талаб қилади. Баъзан овоз чарчаши ёки қўшиқларни ўзлаштиришда мураккабликлар бўлади. Аммо мақсадим аниқ бўлгани учун қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳаракат қиламан. 2024 йилда халқаро танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга ки-

ритдим. Саҳнага чиқиш арафасида ҳаяжоним кучли эди: нафасим тезлашди, юрагим қаттиқ ура бошлади. Аммо мусиқа бошланган заҳоти барчаси ортда қолди. Ўзимга ишониб, бор маҳоратимни кўрсатишга ҳаракат қилдим.



Бу ютуғим ортида, албатта, устозларимнинг меҳнати, ота-онамнинг қўллаб-қувватлаши бор.

Эътиборлиси, мактабнинг хореография йўналишида тахсил оладиган қизлар "Зўр ТВ" телека-

наlining "Эрталабки салом" тонги дастурида ойига 2 марта чиқиш қилишади. Бу уларда ишонч ва масъулият ҳиссини қучайтиради.

– Машғулотлар давомида ўқувчиларга нафақат рақс ҳаракатлари, балки саҳна маданияти, жамоада ишлаш, интизом ва ўз-ўзига ишончни ҳам ўргатишга алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди рақс устози Раъно Нурматова. – Ҳар бир машғулот режа асосида ўт-



казилади. Қизлар билан ишлаш жараёнида уларнинг ёши, уятчанлик, саҳнага чиқишдан қўрқув ёки ўзига ишонмаслик каби ҳолатлар муаммо туғдириши мумкин. Албатта, ўқувчиларнинг имконияти

ва ўзлаштириш суръати бир хил бўлмайди. Бундай пайтларда сабр, мулоқот ва алоҳида ёндашув орқали ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз. Телевидениедаги чиқишларимиз орқали эса ўқувчиларнинг иқтидорини кенг жамоатчиликка намойиш этиш имкониятига эга бўляпмиз. Бу улар учун катта тажриба мактаби бўлиб, ижодий ўсишлариغا хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Болалар мусиқа ва санъат мактаби юртимизда ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, миллий маданиятни асраш ва келажак авлодга етказиш йўлида самарали фаолият юритаётгани эътиборга молик. Бундай таълим муассасаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса келажакимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobro SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
To'xtamurod HASANBOYEV
Ekspeditor:
Behruz NURBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uimail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 21:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-135.

7 386 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektimir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tahir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Муаллим кундалигидан

ТЎҒРИ ҚАРОР

А дашмасам, 2000-йиллар эди. Мен раҳбарлик қилаётган гуруҳ талабалари битираётган пайтлар, чамамда. Бир кўни етакчимиз Жамшид бошчилигида бир гуруҳ талабалар ёнимга келиб: "Домла, синфхонангизни очсангиз, сизга айтадиган гапимиз бор эди", деб қолди. Мен ҳайрон бўлиб, хонани очдим. Синфга кириб ўтирганимиздан кейин, Жамшид ўрнидан туриб олдимга келди ва қўйнидан бир пакет пулни чиқариб олдимга қўйди. Ўзи эса, ҳаяжондан туттила-туттила гап бошлади:

– Устоз, уч йилдан бери бизга таълим-тарбия бериб келасиз. Кўп гувоҳчи бўлганимиз, бошқа гуруҳ раҳбарлари талабалар стипендиясидан ўз улушларини олиб қолишди. Сиз эса, бирор марта стипендиямизга қўз олайтирмагансиз, қайрилиб ҳам қарамагансиз. Шунинг учун барчамиз келишимиз, сизга миннатдорлик сифатида бироз пул йиғиб келдик.

Бу қўтилмаган воқеадан очиги, нима қилишимни билмай бироз ўйланиб қолдим. Сўнг бир фикр ярқ этиб миямга келди:

– Демак, бу пуллари барчангиз чин кўнгилдан, рози бўлиб беришга қарор қилдик. Сўнг бир фикр ярқ этиб миямга келди:

– Ҳа, албатта, – дейишди талабалар.

– Мабоодо ораларингизда мажбуриятдан бераётганлар йўқми?

– Йўқ! – дейишди улар бирвара-кайига.

– Унда, Ўткирбек, доскага чик, – дедим бир ота-онасиз, чин этиб болани қақириб. – Агар бу пуллари барча рози бўлиб берган бўлса, Ўткирга топшираимиз. У келгусида уйланиб тўй қилса, барчангизни қақириб меҳмон қилади, – дедим.

Талабалар гулдурас қарсақ чилиб юборишди.

Очили, шу пайтда тўғри ечим топганимдан қувониб, кўзимга жимит-декинча ёш келди. Қилган ишимдан фаркландим, танам енгил тортиди. Шунда яна талабаларга юзланб:

– Менга бошқа бундай пул тақлиф қилманглар. Сизлар менинг болаларингиз каби. Ота қачон боласидан тама қилганини кўргансизлар, – дея риторик савол билан юзландим. Хонада яна қарсақ янгради.

Фаолиятим давомида имконим қадар ҳалол меҳнат билан яшашга ҳаракат қилдим. Худога шукр, ҳеч қачон кам бўлганим йўқ. Бировдан ортиқ, қимдандир пастроқ – ўрта-миёна ҳаёт кечирдим. Фақат Яратгандан сўрадим. Худойим ризқимизни ғойибидан етказди.

Боймирза НОРБЕКОВ,
фахрий ўқитувчи

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти жамоаси газетанда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган устоз ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

▼ Маҳаллангиз тарихини биласизми?

Халқимиз орасида Ўзбекистон Швейцарияси деб эътироф этиладиган Лашкарак қишлоғи Ангрен шаҳридан 28 км. узоқликда, денгиз сатҳидан 1 минг 800 метр баландда жойлашган. Қишлоқнинг неча бундай номланиши ҳақида бир неча илмий тахминлар мавжуд. Манбаларда қайд этилишича, қишлоқнинг тарихи VII-VIII асрлардан бошланган. Лашкарак номи эса "лашкар" – жангчи сўзидан келиб чиққан. Маҳаллий аҳолининг тилдан-тилга ўтиб келган ривоятларига кўра, бу жойларда қадим замонлардан энг бардошли ва кучли одамлар яшаган, шу сабабли уларнинг вакиллари кўпроқ жангчиликка ёлланган.



Қурама тоғ бағридаги "Швейцария"

Баъзи бир тарихий маълумотларда бу жойни Македониялик Искандар, бошқасида эса бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурга боғлашади. Айтишларича, бу икки саркарда рақибларига қарши лашкарини шу ерда тўплаган.

Филология фанлари номзоди Исомиддин Ёрматов "Оҳангарон водийси жой номларининг изоҳли лугати" китобида шундай ёзади: "Ғарбий Турк

ҳоконлиги, Сомониёлар ва Қорахонийлар даврида бу ердан қазиб олинган катта миқдордаги қумуш конларини қўриқлайдиган ва маъдан ташувчи туялар қаровнига ҳамроҳлик қиладиган ҳарбий лашкар тўплаган. Лашкаракда дунёга машҳур Қўҳисим қумуш қони сақланган. Унинг чуқурлиги 300 метр бўлиб, VIII-X асрларда бу ерда Бағдод халифалиги газнаси учун тонналаб қумуш қазиб олинган".

▼ "Ҳақиқат" чойхонаси

Нафақага чиққандан кейин мазза қилиб юравераман деган гап ғирт бекор экан. Унта невараси бор хотин учун ўн биринчи неварга бўлиб уйда ўтириш осон эмаскан. Шу боис яна қадрдон ишхонамга иш сўраб келдим. Янги бошлиқ дардимни сабр билан эшитиб, битта савол берди:

– Сиз тажрибали одамсиз, ҳар қалай биздан кўра уч-тўрт қўйлақни кўпроқ йиртгансиз. Бир маслаҳатингиз керак эди... Ўтган йилги ҳисоботни ўринбосарим бошқармага уч марта олиб борса-да, ўтказолмай келди. Бизда ҳозир "ёнаётган" масала шу. Бош қотди, нима қилса бўларкин?

– Ҳм-м, шунақа денг, – дедим-да кабинетнинг тўрига узоқ тикилиб қолдим, худди бу масalani зумда ҳал қилиб берадиган оқил мутахассислардек. – Ўзим шугулланиб кўрсам-микан?

– Бир ҳаракат қилиб кўринг, устоз. Гапнинг дангали, шу масала ижобий ҳал бўлса, сизга ямаш тайин. Агар шу сафар ҳам ҳал бўлмаса, унда ўзингизга қўшиб менга ямаш иш қидирасиз...

– Ҳай, уртоқ бошлиқ, ўзи кўн совуқ, газлар пасайиб кетди, сал нафасни иссиқроқ қилинг. Бу ёғи таваккал!

Шундай қилиб, янги бошлиқнинг янги "ултиматуми"ни юракка жо қилиб, порлоқ келажак учун порлоқ режалар туздим. Юрак қалтираб турса-да, пешонам ялтираган экан денг, биринчи "операция"нинг ўзидаёқ режам қўл келди. Бошлиқ хурсанд.

– Қари билганини пари билмас, деган гапга илгари эътибор қилмас эдим. Бало экансиз, устоз! – деди. – Қани, айтинг-чи, бу ютуқларга қандай эришингиз?

– Сиздан яширадиган сирим йўқ, – дедим. – Аммо "қуруғдан" узатмадим. Камерали замонада бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳисоботимизни қабул қилдиганлар билан бир марта ахшилаб тушлик қилдик, холос. Меҳр-муҳаббат ошқозон орқали, деганларидек...

– Қойил! Бўлди, ўша гап – гап! Сизни ўринбосарликка... ололмасам ҳам, "қоринбосар"ликка оламан! Биз-

да текширишлар, идорага келган "нозик" меҳмонларни кўнглини олиш каби ишлар кўп бўлади...

Шундай қилиб янги вазифада бошлиқ яна хузурига чорлади.

– Устоз, – деди аста пичирлаб, – яна "доно" усулларингизни ишга соласиз. Жамоанинг ярми собиқ раҳбарнинг яқинлари. Шундай қилиш кераки, улар ўз аризаси билан бўшаб кетсин... Фақат "сиз ҳам, қабоҳ ҳам куймасин".

Уйланиб қолдим. Чунки бу битта "чой қилиш" билан битадиган иш эмасди. Энг ёмони, уларнинг "танқаси" – собиқ бошлиқ янаям юқорида лавозимга ўтган.

"ҚОРИНБОСАР"

– Ҳм-м, шунақа денг, – дедим-да яна аввагидек кабинетнинг тўрига узоқ тикилиб қолдим. – Хўжайин, битта усул бор. Бошқаларнинг кўзи учун энг аввало ўзимни "қурбон" қиламан – яъни, биринчи бўлиб ишдан кетишга ариза ёзаман. "Қора рўйхат"дагилар бирин-кетин ариза ёзган, мени аста қайтариб олмасиз.

– Бўлди, келишдик, – деди у. – Аммо буларни қандай бўшатамиз?

– Буларни сиз бўшатайсиз. Идорада жорий қилинган янги қоидаларга чидай олмай ўзлари ариза ёзишади... Раҳбар билан бир кечада ходимлар учун янги қоидалар ишлаб чиқдик.

БЎЙРУҚ:

Ташкилотнинг ҳар бир ходимига 104 кунлик меҳнат таътили берилади. Бу кунлар "шанба" ва "акшанба" дейилади.

Идорада жорий қилинган янги тартиб-қоидалар ва буйруқлар:

1-тартиб: Ишга келмаганингиз учун шифокор берган маълумотнома сизни оқлаш учун асос бўла олмайди. Агар шифокорнага боришга кучингиз етган бўлса, демак идорага ҳам келган бўлардингиз.

2-тартиб: Идора ходимларига ҳар қандай жарроҳлик операциялари ман қилинади. Бизга сизнинг ҳар бир аъзоингиз керак. Бирор жойингизни кестирш ёки кўричагингизни олдириб ташлашни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Биз сизни ишга бус-бутун қабул қилганимиз. Шунинг учун бирор ерингизга жарроҳнинг тўй теккизишига рухсат берсангиз, меҳнат шартномасини бузган ҳисобланиб, маъмурий жавобгарликка тортиласиз.

3-тартиб: Бирор яқинингиз вафот этиши ҳам ишдан қолишингизга асос бўлполмайди. Ишонинг, ўлган одамга барибир. Сиз ўрнингизга бошқа бировни қўйиб, ишга келишингиз шарт.



Мабоодо бунга иложи бўлмаса, унда жанозани кечқурун қолдиринг. Тушлик пайти овқатга қиммай ишлаб берсангиз, кечқурун бир соат барвақтроқ ишдан қайтишингиз мумкин.

Агар ўзингиз вафот этсангиз, у ҳолда ишга чиқмаганингиз раҳбарият томонидан сабабли деб ҳисобланади. Фақат ўлимингиздан икки ҳафта олдин бизни бу ҳақда огоҳлантириб қўйишингиз ва биз ўрнингизга муносиб ўриндош топишимиз лозим.

4-тартиб: Заруратхонага қатнаш. Фамилияси "А" ҳарфидан бошланган ходимлар ҳолатхонага соат 8.00 дан 8.20 гача, "Б" ҳарфи билан бошланган фамилия эгалари соат 8.20 дан 8.40 гача... Қолганлар ҳам

алфавит бўйича кириб чиқади. Мабоодо, навбатингиз ўтиб кетиб улгуролмай қолсангиз, унда эртаси кўни жадвал бўйича ўша вақтда боришингиз мумкин.

Бордию, қимдандир бу ерга кириш ўта зарур бўлиб қолганда ҳамхонаси билан навбат алмашиши мумкин. Фақат бу ҳақда аввалдан ариза ёзиб, раҳбариятни огоҳлантириш лозим.

5-тартиб: Тушлик вақти озгин ходимлар учун бир соат қилиб белгиланади. Чунки улар кўп овқат ёйишлари талаб қилинади. Фақат шундагина улар соғлом ва бақувват кўриниб, корхона обрўсини сақлаб қоладилар. Ўрта вазилиларга 30 дақиқа етади. Семиз ходимларга 5 дақиқа вақт ажратилган. Улар учун паст калорияли коктейл ва пархез таом тасвия қилинган.

6-тартиб. Мажбурият: корхонадан олаётган иш ҳақингизга қараб қийинишингиз талаб этилади. Агар ишга ўта қимматбаҳо қиймда келсангиз, демак сизнинг иш ҳақингиз етарли ҳисобланиб, маош оширилаётганда ўз-ўзидан рўйхатдан тушиб қоласиз.

Азиз ўқувчим, ҳозир ҳаёлингизга қандай фикр келганини сезиб турибман. Биз ўйлаб топган янги тартиб-қоидаларга чидай олмай, ходимларнинг бари бирин-кетин ариза ёзишадир деб ўйлаясиз, шундайми?

Афсуски, ундай бўлмади-да! Собиқ раҳбарнинг "командаси" ўтда куймас, сувда чўкмас бало экан. Ҳалиги тартибга ҳам кўникиб, шунақини ғайрат билан ишлашдики, корхона топшириқлари аввалгига нисбатан икки баравар ошириб бажарилиб, катта-катта мукофотлар олишса, денг.

Майли, ҳаммаси яхшию, аммо шундай буюк ғалабалар учун ўзини "қурбон" қилган "қоринбосар" – яъни каминани яна ишга қақириб олиш на бошлиқнинг, на бошқаларнинг ҳаёлига келмаяпти...

"Қадр ва қадр" ҳангомасини қозғога муҳрловчи:
Тўхтамурод ҲАСАНБОЙ